08-СОН МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ /

ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ № 08 / INFORMATION ABOUT MATERIAL EVENT No. 08

1. ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ / НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА / NAME OF THE ISSUER

Кўрсаткич / Показатель / Indicator	Маълумот / Сведения / Information
UZ: Тўлиқ номи RU: Полное наименование EN: Full name	UZ: «BOSHTRANSLOYIHA» Транспорт бўйича бош лойиҳа-кидирув институти акциядорлик жамияти RU: Акционерное общество «Головной проектно-изыскательский институт по транспорту «BOSHTRANSLOYIHA» EN: «BOSHTRANSLOYIHA» Joint-Stock Company of the Main Design and Survey Institute for Transport
UZ: Қисқартирилган номи RU: Сокращенное наименование EN: Abbreviated name	UZ: «BOSHTRANSLOYIHA» AJ RU: АО «BOSHTRANSLOYIHA» EN: JSC «BOSHTRANSLOYIHA»
UZ: Биржа тикерининг номи RU: Наименование биржевого тикера EN: Stock ticker name	BTRL

2. АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ / КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ / CONTACT DETAILS

Кўрсаткич / Показатель / Indicator	Маълумот / Сведения / Information
UZ: Жойлашган ери RU: Местонахождение EN: Location	UZ: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а уй RU: город Ташкент, Мирабадский район, улица Нукус, дом 23 А EN: Tashkent city, Mirabad district, Nukus street, house 23 A
UZ: Почта манзили RU: Почтовый адрес EN: Mailing address	UZ: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а уй RU: город Ташкент, Мирабадский район, улица Нукус, дом 23 А EN: Tashkent city, Mirabad district, Nukus street, house 23 A
UZ: Электрон почта манзили RU: Адрес электронной почты EN: E-mail address	boshtrans@gmail.com
UZ: Расмий веб-сайт RU: Официальный веб-сайт EN: Official website	https://boshtrans.uz/

3. МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ / ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ / INFORMATION ABOUT MATERIAL EVENT

Кўрсаткич / Показатель / Indicator	Маълумот / Сведения / Information
UZ: Муҳим фактнинг рақами RU: Номер существенного факта EN: Number of the material event	08
UZ: Муҳим фактнинг номи RU: Наименование существенного факта EN: Name of the material event	UZ: Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки ижроия органининг таркибидаги ўзгаришлар RU: Изменение в составе наблюдательного совета, ревизионной комиссии или исполнительного органа EN: Changes in the composition of the Supervisory Board, Audit Commission or executive body

4. ШАХСНИНГ ВАКОЛАТИ ТУГАТИЛГАН ҲОЛЛАРДА / В СЛУЧАЕ ПРЕКРАЩЕНИЯ ПОЛНОМОЧИЙ ЛИЦА / TERMINATION OF A PERSON'S POWERS

№	Шахснинг Ф.И.Ш. / Ф.И.О. лица / Full name of the person	Лавозими ва иш жойи / Место работы и должность / Place of work and position	Акциялар тури / Тип акций / Shares type	Акциялар сони / Кол-во акций / Shares quantity	Бошқа ташкилот: иш жойи / Другая организация: место работы / Other organization: place of work	Бошқа ташкилот: лавозими / Другая организация: должность / Other organization: position
1	Рузиев Рустам Васикович	UZ: «BOSHTRANSLOYIHA» АЖ, Бош директор вазифасини вақтинча бажарувчи RU: АО «BOSHTRANSLOYIHA», временно исполняющий обязанности Генерального директора EN: JSC «BOSHTRANSLOYIHA», Acting General Director	UZ: оддий акциялар RU: простые акции EN: ordinary shares	UZ: 4 449 дона RU: 4 449 шт. EN: 4,449 shares	UZ: мавжуд эмас RU: отсутствует EN: none	UZ: мавжуд эмас RU: отсутствует EN: none

5. МАНСАБДОР ШАХС САЙЛАНГАН (ТАЙИНЛАНГАН) ҲОЛЛАРДА / В СЛУЧАЕ ИЗБРАНИЯ (НАЗНАЧЕНИЯ) ДОЛЖНОСТНОГО ЛИЦА / ELECTION (APPOINTMENT) OF AN OFFICIAL

№	Шахснинг Ф.И.Ш. / Ф.И.О. лица / Full name of the person	Лавозими ва иш жойи / Место работы и должность / Place of work and position	Акциялар тури / Тип акций / Shares type	Акциялар сони / Кол-во акций / Shares quantity	Бошқа ташкилот: иш жойи / Другая организация: место работы / Other organization: place of work	Бошқа ташкилот: лавозими / Другая организация: должность / Other organization: position
1	Маликов Хасан Магруфович	UZ: «BOSHTRANSLOYIHA» АЖ, Бош директор вазифасини бажарувчи RU: АО «BOSHTRANSLOYIHA», исполняющий обязанности Генерального директора EN: JSC «BOSHTRANSLOYIHA», Acting General Director	UZ: оддий акциялар RU: простые акции EN: ordinary shares	UZ: 246 дона RU: 246 шт. EN: 246 shares	UZ: мавжуд эмас RU: отсутствует EN: none	UZ: мавжуд эмас RU: отсутствует EN: none

6. ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛГАН ОРГАН ВА ТЕГИШЛИ МАЪЛУМОТЛАР / ОРГАН, ПРИНЯВШИЙ РЕШЕНИЕ, И СВЕДЕНИЯ / DECISION-MAKING BODY AND RELATED INFORMATION

Кўрсаткич / Показатель / Indicator	Маълумот / Сведения / Information
UZ: Кўрсатилган ўзгартиришлар тўғрисида қарор қабул қилган эмитент органи RU: Орган эмитента, принявший решение об указанных изменениях EN: Issuer's body that adopted the decision on the specified changes	UZ: Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши RU: Очередное годовое общее собрание акционеров EN: Annual General Meeting of Shareholders
UZ: Қарор қабул қилинган сана RU: Дата принятия решения EN: Date of decision	30.06.2026
UZ: Баённома тузилган сана RU: Дата составления протокола EN: Protocol date	09.07.2026
UZ: Бошқарув органи баённомасидан кўчирма ва сайланган (тайинланган) шахснинг яшаш жойи кўрсатилган ҳолда паспорт маълумотлари RU: Выписка из протокола органа управления и паспортные данные избранного (назначенного) лица с указанием места жительства EN: Extract from the minutes of the management body and passport details of the elected (appointed) person, including place of residence	UZ: Бошқарув органи баённомасидан кўчирма PDF форматида илова қилинади RU: Выписка из протокола органа управления прилагается в формате PDF EN: Extract from the minutes of the governing body is attached in PDF format

7. ЎЗГАРГАНДАН СЎНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТАРКИБИ / СОСТАВ ИСПОЛНИТЕЛЬНОГО ОРГАНА ПОСЛЕ ИЗМЕНЕНИЙ / COMPOSITION OF THE EXECUTIVE BODY AFTER THE CHANGE

№	Шахснинг Ф.И.Ш. / Ф.И.О. лица / Full name of the person	Лавозими ва иш жойи / Место работы и должность / Place of work and position	Акциялар тури / Тип акций / Shares type	Акциялар сони / Кол-во акций / Shares quantity	Бошқа ташкилот: иш жойи / Другая организация: место работы / Other organization: place of work	Бошқа ташкилот: лавозими / Другая организация: должность / Other organization: position
1	Маликов Хасан Магруфович	UZ: «BOSHTRANSLOYIHA» АЖ, Бош директор вазифасини бажарувчи RU: АО «BOSHTRANSLOYIHA», исполняющий обязанности Генерального директора EN: JSC «BOSHTRANSLOYIHA», Acting General Director	UZ: оддий акциялар RU: простые акции EN: ordinary shares	UZ: 246 дона RU: 246 шт. EN: 246 shares	UZ: мавжуд эмас RU: отсутствует EN: none	UZ: мавжуд эмас RU: отсутствует EN: none

8. МАСЪУЛ ШАХСЛАР / ОТВЕТСТВЕННЫЕ ЛИЦА / RESPONSIBLE PERSONS

Лавозим / Должность / Position	Ф.И.Ш. / Ф.И.О. / Full name
UZ: Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.О. RU: Ф.И.О. руководителя исполнительного органа EN: Full name of the head of the executive body	Маликов Хасан Магруфович
UZ: Бош бухгалтернинг Ф.И.О. RU: Ф.И.О. главного бухгалтера EN: Chief Accountant	Кузиева Юлдуз Хурозовна
UZ: Веб-сайтда ахборот жойлаштирган ваколатли шахснинг Ф.И.О. RU: Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего информацию на веб-сайте EN: Full name of the authorized person who posted the information on the website	Козлова Анна Алексеевна

“Boshtransloyiha” транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши Баённомасидан кўчирма

Йиғилиш ўтказилган жой: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а уй, “Boshtransloyiha” АЖ маъмурий биноси.

Йиғилиш ўтказилган сана ва вақти: 2026 йил 30 июнь, соат 15: 00.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш вақти: соат 14-00 дан 14-50 гача.

Жамият овоз берувчи акцияларининг умумий сони: 4 453 008 та овозни ташкил этади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этган шахсларнинг умумий овозлар сони: 4 081 047 овоз ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг 91,65 фоизини ташкил этади.

Йиғилишда иштирок этиш учун қуйидаги шахслар таклиф этилди:

“Boshtransloyiha” АЖ бош директори вазифасини вақтинча бажарувчиси - Рузиев Рустам Васикович;

“Boshtransloyiha” АЖ Бош директорнинг биринчи ўринбосари — техник директор Маликов Хасан Магруфович;

“Boshtransloyiha” АЖ Молия (Иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш) директори - Расулев Ардашер Алишерович;

“Boshtransloyiha” АЖ ички аудит бўлим бошлиғи - Файзиева Мухайё Тоиржановна;

“Boshtransloyiha” АЖ корпоратив маслаҳатчиси - Юлдашев Улуғбек Михлибаевич ва бошқалар.

Кун тартибидаги олтинчи, ўнинчи ва ўнбиринчи масалалар юзасидан кўчирма:

6) «Boshtransloyiha» АЖ Бош директорини тайинлаш (сайлаш).

10) “Boshtransloyiha” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш.

11) “Boshtransloyiha” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан йиғилиш раиси А.Ю.Бочкарев сўзга чиқиб «Boshtransloyiha» АЖ Кузатув кенгашининг 2025 йил 19 июлдаги 16-сон баённомасига мувофиқ, Рузиев Рустам Васикович 2025 йил 19 июлдан бошлаб Жамият Бош директорини тайинлаш масаласи кўриб чиқиладиган акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгунига қадар Жамият Бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинланганлигини маълум қилди.

Шу билан бирга, Р.В. Рузиев кўп йиллар давомида Жамиятда раҳбарлик лавозимларида самарали фаолият юритиб, унинг фаолияти узлуксизлигини таъминлаб келганлигини қайд этди.

А.Ю.Бочкарев йиғилиш иштирокчиларини Р.В. Рузиевнинг Жамият Кузатув кенгаши ва акциядорларига йўллаган мурожаати билан таништириб утди. Ушбу мурожаатга асосан Р.В.Рузиев Жамиятнинг йирик акциядорлари ҳамда Кузатув кенгаши таркибидаги ўзгаришларни, шунингдек, соғлиғи ҳолатини ва ёшини инобатга олган ҳолда, унинг номзодини Жамият Бош директори лавозимига кўриб чиқмасликни ва акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига киритмасликни сўраганлигини қайд этди.

Шу билан бирга, Мазкур мурожаатда Р.В. Рузиев Жамиятнинг ички кадрлар захирасидан муносиб номзод сифатида Бош директорнинг биринчи ўринбосари — техник директор Маликов Хасан Магруфович номзодини тавсия этган бўлиб, унинг Жамиятдаги кўп йиллик меҳнат ва бошқарув тажрибаси, ишлаб чиқариш ҳамда техник жараёнларни чуқур билиши, меҳнат жамоаси билан самарали ҳамкорлик қила олиши, шунингдек, Жамиятни келгусида ривожлантириш учун зарур салоҳиятга эгалиги алоҳида қайд этган.

Жамият Кузатув кенгашининг 2026 йил 3 июнда бўлиб ўтган мажлисида Кузатув кенгаши аъзолари Р.В. Рузиевнинг мурожаатини ва Х.М. Маликов номзодини кўриб чиқилган. Х.М. Маликовнинг касбий тажрибаси, бошқарувчилик фазилатлари, Жамият фаолиятини чуқур билиши, шунингдек, Бош директор лавозимига номзодларни танлов асосида саралаш якунлангунига қадар Жамиятдаги жорий бошқарув узлуксизлигини таъминлаш заруратини инобатга олган ҳолда, Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига Х.М. Маликовни Жамият Бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинлашни тавсия этилганлиги маълум қилинди.

Юқоридаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва қуйидаги масалалар овозга қўйилди:

1. Маликов Хасан Магруфович «Boshtransloyiha» акциядорлик жамияти Бош директори вазифасини бажарувчи этиб тайинлансин.

2. «Boshtransloyiha» акциядорлик жамияти номидан Маликов Хасан Магруфович билан Жамият Бош директори вазифасини бажарувчи сифатида тузиладиган меҳнат шартномасининг Жамият Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланиши таъминлансин.

3. Жамият Кузатув кенгашига қонунчилик ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда Бош директор лавозимига номзодларни танлаш бўйича танлов ўтказиш ҳамда танлов натижалари бўйича тегишли таклифни акциядорларнинг умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун киритиш топширилсин.

Овоз бериш натижалари:

“ёқлайман” – 4 081 047 овоз, 100 фоиз, “қарши” ва “бетарафлар” - йўқ.

Қабул қилинган қарорлар:

1. Маликов Хасан Магруфович «Boshtransloyiha» акциядорлик жамияти Бош директори вазифасини бажарувчи этиб тайинлансин.

2. «Boshtransloyiha» акциядорлик жамияти номидан Маликов Хасан Магруфович билан Жамият Бош директори вазифасини бажарувчи сифатида тузиладиган меҳнат шартномасининг Жамият Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланиши таъминлансин.

3. Жамият Кузатув кенгашига қонунчилик ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда Бош директор лавозимига номзодларни танлаш бўйича танлов ўтказиш ҳамда танлов натижалари бўйича тегишли таклифни акциядорларнинг умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун киритиш топширилсин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан йиғилиш раиси А.Ю.Бочкарев сўзга чиқиб, Жамият акциядорлари бўлган «Trans Engineering Group» масъулияти чекланган жамиятининг 2026 йил 02 июндаги 238- сонли ва 2026 йил 23 июндаги 270- сонли талабномалари (матн давомида - талабномалар) билан йиғилиш иштирокчиларини таништириб ўтди.

Ҳусусан, «Trans Engineering Group» МЧЖ талабномасида, Жамиятнинг 80,26 фоиз (3 574 032 дона оддий овоз берувчи акциялар) акциядори эканлиги ва тегишли тартибда Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ваколатларини муддатидан аввал тугатишни ва кенгаш аъзоларини ўз номзодларини инобатга олган ҳолда қайта сайлаш таклифи киритилганлигини маълум қилинди.

Шу билан бирга, Жамият кузатув кенгаши таркибидан амалдаги аъзолари бўлган Усманова Юлдузхон Ҳаким қизининг унинг ваколатларини муддатидан аввал тугатишни сўраб ёзган аризаси мавжудлиги ва ушбу ариза Кузатув кенгашининг 2026 йил 22 майдаги мажлисида кўриб чиқилганлигини сабабли, хамда Жамият корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадида кузатув кенгаши аъзолари таркибини янгилаш таклифи киритилган эди.

Ушбу талабномаларга мувофиқ Жамият Кузатув кенгаши таркибига янги номзодлар таклиф этилган бўлиб, амалда фаолият олиб бораётган Кузатув кенгаши аъзолари ваколатларини муддатидан олдин тугатиш талаб этилиши тушунтириб ўтилди.

Юқоридаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва қуйидаги масалалар овозга қўйилди:

1.“Boshtransloyiha” транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти акциядорлик жамиятининг қуйида келтирилган кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш:

- Аминов Рустам Анварович;
- Насирова Дилфуза Хайруллаевна;
- Бегалиев Илхомжон Махмуджонович;
- Усманова Юлдузхон Хаким қизи;
- Махкамов Бахром Эминович;
- Бочкарев Андрей Юрьевич;
- Мирончик Борис Григорьевич.

Овоз бериш натижалари:

“ёқлаш” – 3 578 727 овоз, 87,69 фоиз, “қарши” – йўқ, “бетараф” – 502 320 овоз, 12,31 фоиз.

Қабул қилинган қарор:

1. “Boshtransloyiha” транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти акциядорлик жамиятининг қуйида келтирилган кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатлари муддатидан олдин тугатилсин:

- Аминов Рустам Анварович;
- Насирова Дилфуза Хайруллаевна;
- Бегалиев Илхомжон Махмуджонович;
- Усманова Юлдузхон Хаким қизи;
- Махкамов Бахром Эминович;
- Бочкарев Андрей Юрьевич;
- Мирончик Борис Григорьевич.

Кун тартибидаги ўнбиринчи масала юзасидан йиғилиш раиси А.Ю.Бочкарев сўзга чиқиб, акциядорлар талабномаларига мувофиқ Жамият кузатув кенгаши аъзолигига сайлаш учун Жамият кузатув кенгашининг 2026 йил 03 июндаги ва 2026 йил 24 июндаги мажлис қарорлари билан таклиф этилган қуйидаги номзодлар таклиф этилмоқда:

- Аминов Рустам Анварович - Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш маркази директорининг биринчи ўринбосари;
- Насирова Дилфуза Хайруллаевна - Рақобат қўмитаси бошқарма бошлиғи;
- Бегалиев Илхомжон Махмуджонович - "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ бошқарма бошлиғи;
- Махкамов Бахром Эминович - "Tabiat Mehri" фермер хўжалиги раҳбари;
- Бочкарев Андрей Юрьевич – "Trans Engineering Group" МЧЖ ҳуқуқшунос маслаҳатчиси;
- Мирончик Борис Григорьевич - "Trans Engineering Group" МЧЖ ташқи иқтисодий ишлар бўйича мутахассиси;
- Камаритдинов Сирожиддин Шарофиддин ўғли - "Trans Engineering Group" МЧЖ маслаҳатчиси;
- Абдурахманов Илҳомжон Турсунович - "Trans Engineering Group" МЧЖ маслаҳатчиси;
- Орлов Сергей Александрович - «Trans Engineering Group» МЧЖ маслаҳатчиси;
- Артикходжаев Зиёдиллахужа Зокирходжаевич - «Trans Engineering Group» МЧЖ маслаҳатчиси.

Муҳокама давомида ушбу номзодлар таркибидан Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш таклифи киритилди.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 76 – моддасига мувофиқ, *жамият кузатув кенгашининг аъзолари Қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан* ***уч йил*** *муддатга сайланади.*

Жамият акциядорларига кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги масала бўйича кумулятив овоз бериш тартиби тушунтирилди.

Юқоридаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва овозга қўйилди:

Кумулятив овоз бериш натижаларига кўра, йиғилишда иштирок этган акциядорларга тегишли 4 081 047 та овоз берувчи акциялардан келиб чиқиб, жами 28 567 329 та кумулятив овоз ҳисобга олинди.

«рози»	Аминов Рустам Анварович - Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш маркази директорининг биринчи ўринбосари, Жамият акцияларига эгалик қилмайди.	31 143
«рози»	Насирова Дилфуза Хайруллаевна - Рақобат қўмитаси бошқарма бошлиғи, Жамият акцияларига эгалик қилмайди.	0
«рози»	Бегалиев Илхомжон Махмуджонович - "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ бошқарма бошлиғи, Жамият акцияларига эгалик қилмайди.	0
«рози»	Махкамов Бахром Эминович - "Tabiat Mehri" фермер хўжалиги раҳбари, Жамият акцияларига эгалик қилмайди.	3 516 240
«рози»	Бочкарев Андрей Юрьевич - "Trans Engineering Group" МЧЖ ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси, Жамият акцияларига эгалик қилмайди.	4 169 704
«рози»	Мирончик Борис Григорьевич - "Trans Engineering Group" МЧЖ ташқи иқтисодий ишлар бўйича мутахассиси, Жамият акцияларига эгалик қилмайди.	4 169 704
«рози»	Камаритдинов Сирожиддин Шарофиддин ўғли - "Trans Engineering Group" МЧЖ маслаҳатчиси, Жамият акцияларига эгалик қилмайди.	4 171 426
«рози»	Абдурахманов Илҳомжон Турсунович - "Trans Engineering Group" МЧЖ маслаҳатчиси, Жамият акцияларига эгалик қилмайди.	4 169 704
«рози»	Орлов Сергей Александрович - "Trans Engineering Group" МЧЖ маслаҳатчиси, Жамият акцияларига эгалик қилмайди.	4 169 704
«рози»	Артикходжаев Зиёдиллахужа Зокирходжаевич - "Trans Engineering Group" МЧЖ маслаҳатчиси, Жамият акцияларига эгалик қилмайди.	4 169 704

Қабул қилинган қарор:

«Boshtransloyiha» АЖ Кузатув кенгаши қуйидаги таркибда уч йил муддатга сайлансин:

1. Махкамов Бахром Эминович - "Tabiat Mehri" фермер хўжалиги раҳбари;

2. Бочкарев Андрей Юрьевич – "Trans Engineering Group" МЧЖ ҳуқуқшунос маслаҳатчиси;

3. Мирончик Борис Григорьевич - "Trans Engineering Group" МЧЖ ташқи иқтисодий ишлар бўйича мутахассиси;

4. Камаритдинов Сирожиддин Шарофиддин ўғли - "Trans Engineering Group" МЧЖ маслаҳатчиси;

5. Абдурахманов Илҳомжон Турсунович - "Trans Engineering Group" МЧЖ маслаҳатчиси;

6. Орлов Сергей Александрович - "Trans Engineering Group" МЧЖ маслаҳатчиси;

7. Артикходжаев Зиёдиллахужа Зокирходжаевич - "Trans Engineering Group" МЧЖ маслаҳатчиси.

Йиғилиш котиби **У.М. Юлдашев**